O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 111299

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 18 ноябр пайшанба

Сотувда эркин нархда № 228 (2266)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

17 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти 1975 йили тузилган бўлиб, 35 давлат раҳбарлари Хелсинкида бу ҳақда ҳужжат имзолаган эди. Ташкилотнинг асосий мақсади хавфсизлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни мустаҳкамлашдир. У иқтисод ва экологияга оид ишлар билан ҳам шуғулланади. Бундай масалалар ҳар бир мамлакат учун энг устувор ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам адолатли, демократик жамият қуриш йўлида 1992 йилда мазкур ташкилотга аъзо бўлган.

Назаримда, сўнгги йилларда ташкилот кўпроқ ҳуқуқий масалалар, яъни инсон ҳуқуқлари, демократия ва матбуот эркинлиги билан кўпроқ шуғулланиб, бошқа масалалар четда қолаётгандек. Албатта, биз учун ҳам ҳуқуқий масалалар муҳим. Бироқ хавфсизлик масаласини ҳал қилмай туриб бу ҳақда гапириш бефойда. Хавфсизлик ҳуқуқий масалаларнинг пойдевори ҳисобланади. Атрофимизда бўлаётган воқеалар бизни хавфсизлик масалаларига кўпроқ эътибор беришга мажбур қилаётир.

Бугунги кунда энг катта хавф террорчилик бўлиб қолмоқда. У ақидапарастлик, диний экстремизм билан бирлашиб кетаётир. Бу фалокат бизнинг хавфсизлигимизга ҳам раҳна солмоқда. Маълум бир кучлар мамлакатимиздаги эркин ҳаётни кўролмаяпти. Афсуски, айрим давлатлар Ўрта Осиёда бўлаётган нотинчликларга эътиборсиз қараяпти. Ҳозир террорчиликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар жуда кўп. Бироқ уларга қарши бевосита курашадиган бирон халқаро ташкилот йўқ. Бугун бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш зарурати туғилмоқда. Чунки жаҳон ҳамжамияти террорчиликка қарши биргаликда курашмас экан, унинг пайини қирқиш мушкул. Саммитда шу масалани ҳам кўтариб чиқмоқчимиз.

Президент куни кеча Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пунктига яқин жойда юз берган воқеани шарҳлар экан, жумладан, бундай деди:

— Бу воқеа 15 ноябр куни кечқурун Янгиобод жанубидаги Чотқол ўрмон хўжалигида рўй берди. Ўрмон хўжалигининг тўрт нафар хизматчиси ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда, номаълум кишилар уларга қарата ўқ узган. Уларнинг учтаси шу ерда ҳалок бўлган. Хизматчиларнинг бири эса қочишга муваффақ бўлган. Жиноятчиларнинг икки нафари эса Янгиобод атрофида жойлашган сайёҳлик базасига кирган. Бундан хабар топган одамлар Янгиобод ички ишлар бўлимига хабар берган. Кўп ўтмай уч нафар милиция ходими етиб келган. Бироқ жиноятчилар уларни ҳам отиб ташлаган. Ҳозир жиноятчиларни топиш борасида барча зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, улардан бештаси йўқ қилиб ташланди. Қолганлари ҳам тез орада қўлга тушиши, шубҳасиз.

**(ЎзА).**

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ВА ЙИҒИЛИШЛАР

***Шу кунларда мамлакатимизда Парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайлов муҳим босқичга кирди: сайловолди ташвиқоти қизғин тус олиб, ҳамма ерда депутатликка номзодлар билан учрашув ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Депутатликка номзодлар ҳам, сиёсий партиялар ҳам оммавий ахборот воситаларидан, матбуот саҳифаларидан, телевидение ва радио имкониятларидан белгиланган тартибда, тенг равишда фойдаланмоқдалар.***

Сайловолди ташвиқотининг энг синалган ва таъсирчан воситаларидан бири депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашув ва йиғилишларидир. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан йиғилишларда, шунингдек сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилган.

Сайловчилар билан йиғилиш ва учрашувлар ўтказиш тегишли қонунларимиз билан тартибга солинган бўлиб, унга биноан, биринчидан, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан йиғилишлари ва учрашувлари иш вақтидан бошқа пайтда, кўпроқ шанба ва якшанба кунлари ўтказилади. Иш кунлари бундай тадбирларни ҳамма ишдан қайтганидан сўнг, кечқурунлари ўтказиш жоиздир, имкон бўлган жойларда эса тушлик пайтида ўтказса ҳам бўлади. Иккинчидан, йиғилиш ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчилар барвақт хабардор қилиниши лозим.

Учинчидан, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, бундай тадбирлар, умуман, сайловолди ташвиқоти юргазиш учун зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга ёрдам кўрсатишлари шарт.

Қонунда белгилаб қўйилганидек, сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади, депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган биноларни сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари ажратадилар.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ва Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан муайян сайлов участкаси ёки округидаги учрашувлари биргаликда ёки алоҳида-алоҳида ўтказилиши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳар бир депутатликка номзодга ўз дастурини баён этишда, сайловолди ташвиқотининг бу минбаридан фойдаланишда тенг ҳуқуқ таъминланиши зарур.

Номзодларнинг биргаликда ўтказиладиган учрашув ва йиғилишларининг ташкилотчилари шуни унутмасликлари лозимки, олий давлат вакиллик органининг депутатлик мандатига талабгорларга сўзлаш учун кўпроқ вақт бериб, халқ депутатлари вилоят, туман ёки шаҳар Кенгашидан жой олиш учун даъвогарлик қилаётганларга камроқ вақт берилса ёки умуман сўз берилмаса, сайлов тўғрисидаги қонун талаблари бузилади. Бу гап, учрашув шаклидан қатъий назар, депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар, вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларига сўз беришга ҳам тўла тааллуқлидир. Сўзлаш навбатини эса қуръа ташлаш йўли билан белгилаб олган маъқул.

Депутатликка номзодлар қатори сиёсий партияларга ҳам ана шу аснода ўзларининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилган. Зотан, ҳокимиятнинг сайланадиган органларидаги ўрин учун курашар эканлар, уларда амалга оширилиши мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир эта оладиган аниқ мақсад, ҳаракат дастури бўлиши керак.

Худди шу боисдан сайловолди учрашув ва йиғилишлари депутатликка номзодларнинг, бинобарин депутатликка номзод кўрсатган органларнинг ҳам ўзаро беллашуви, ғоя ва қарашларининг кураши, сайловчилар овози учун баҳслашув майдони бўлиб қолиши лозим. Бу кураш эса мамлакатимизда қабул қилинган конституциявий ҳуқуқий нормалар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилмоғи даркор.

Сайловолди курашларида ҳаётимизга танқидий кўз билан қараш, сиёсий-ижтимоий воқеликни таҳлил қилиб, халқимизни қизиқтираётган, бугун унинг дили, ўй-фикрини банд этган долзарб масалалар бўйича салмоқдор мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириш керак. Бунда сиёсатга, давлат ва жамиятни бошқаришга, ҳаётни яхшилашга дахлдор муаммолар борасидаги ўз қарашларини асослаб, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, энг аввало, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш талаб этилади.

Депутатлик мандати учун кураш олиб боришда сайловчининг кўнглига йўл топган бўлиб, номзодларнинг асоссиз равишда бир-бирининг обрўсини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик қилишига, ҳар хил бемаъни «ўйинлар» уюштиришига асло йўл қўймаслик лозим. Депутатликка номзодлар мулоқот чоғида халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарликни унутмасликлари, тилга эрк бериш, сохта ваъдабозликдан, ҳайбаракаллачилик, бугунги сиёсатни орқа-ўнгига қарамай нуқул мақтайвериш, ҳар хил ҳавойи бақириқ-чақириқлардан ўзларини тийишлари керак.

Сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлишнинг калити, аввало, номзодларнинг ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш фазилатидадир. Бундан ташқари, учрашувларда сайловчилар сиёсий партия ёки депутатликка номзод нима учун курашаётгани ва нималарга қарши чиқаётганини, уларнинг аниқ позициясини ҳам узил-кесил билиб олишига эришиш лозим.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари мамлакатимизнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқимизнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Сайловолди ташвиқоти, хусусан сайловчилар билан ўтказиладиган барча учрашув ва йиғилишларда одоб ва ўзаро ҳурмат қоидаларига қатъий риоя этилиши, тадбир барча қатнашчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши шарт. Сайловчиларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориш, кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан тўсқинлик қилганлик, депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилганлик ёки уларни ўзгача тарзда тарқатганлик учун қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарлик белгиланган.

***Сайловолди ташвиқоти, учрашув ва йиғилишлари сайловчига заҳматкаш халқимизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада ёруғроқ, фаровонроқ кунларга олиб чиқишга қаратилган фаолият дастурини баён этган ва бу дастурни амалга оширишга қодир депутатликка номзодларни таниш, кейинчалик ёқлаб овоз бериш учун энг муносиби тўғрисида бир тўхтамга келиш имконини беради.***

**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларни оммавий ахборот воситаларида ёритишга кўмаклашувчи Олий Мажлис матбуот маркази.**




## САЙЛОВДА ФАОЛЛИК — АСЛ ВАТАНПАРВАРЛИКДИР




*Мавжуд қонун, фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан маҳаллий Кенгаш депутатларига боғлиқлиги эътиборга олинадиган бўлса, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловнинг аҳамияти ўз-ўзидан аён бўлади. Жамоатчи мухбиримиз Даврон Аҳмад халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясида бўлганида ушбу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлди. Туманда айни пайтда сайловчилар рўйхати тузилмоқда, номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари ўтказиляпти.*

**СУРАТДА: туман сайлов комиссияси раиси ўринбосари Абдулла Эргашев туман Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари Муборак Муллаева ва Баҳром Ҳамдамовга гувоҳнома топширмоқда.**

**Д. АҲМАД олган сурат.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР-КЕНГАШ

Тошкентда, Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида оммавий ахборот воситаларида сайловолди жараёнларининг ёритилишига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Учрашувда телевидение, радио, матбуот, хорижий мамлакатлар элчихоналари ҳамда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар матбуот хизматларининг вакиллари иштирок этди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов оммавий ахборот воситалари ходимлари сайловолди даврида вазиятни яхши билиши ҳамда аҳолини мамлакат учун ўта муҳим бўлган бу воқеа жараёнидан яхши хабардор қилиб туриши, сайлов кампаниясини ташкил этишда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишга таъсир кўрсатиши лозимлигини таъкидлади.

Буюк Британия, Япония ва Германиянинг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимлари ҳам сўзга чиқиб, семинар-кенгаш иштирокчиларига ўз мамлакатларида сайловларга қандай тайёргарлик кўрилиши ва уларнинг ўтказилиши ҳақида сўзлаб берди. Сўнгра фикр алмашув бўлди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

**(ЎзА)**

## МАСЪУЛИЯТЛИ КУНЛАР БОШЛАНДИ

Ҳар қандай давлат учун олий қонунчилик органига сайлов муҳим сиёсий қадам ҳисобланади. Айниқса, номзодлар муқобиллик, кўппартиявийлик асосида сайланадиган демократик жамиятда сайловчиларнинг танлови алоҳида аҳамият касб этади. Бугун мустақил Ўзбекистонда ҳам худди шундай бўлмоқда. Мамлакатимиздаги сайловлар яна бир муҳим хусусияти билан ажралиб туради. Ҳокимият вакиллик органлари ва сиёсий партиялардан ташқари, бевосита фуқароларнинг ўзлари ҳам ташаббускор гуруҳларга бирлашиб, депутатликка номзодларини кўрсатдилар.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида 25 та сайлов округида туман халқ Кенгашларига сайлов бўйича 73 нафар номзод кўрсатилди. Уларнинг 4 нафари — «Ватан тараққиёти», 25 нафари — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, 15 нафари — «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг номзодларидир. Биринчи марта фуқаролар йиғини томонидан кўрсатилган 25 нафар номзод, ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган 4 нафар номзод сайлов кампаниясига қатнашмоқдалар. Депутатликка халқ номзодларининг ёши ва касбий кўрсаткичлари ҳам ғоятда хилма-хилдир. 30 ёшгача бўлган ёшлар номзодларнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Аввалги сайловлардан фарқ қилиб, бу сайловда депутатликка номзодлари кўрсатилганларнинг 10 нафари жамиятимиз учун янги фаолият кишилари — тадбиркорларнинг вакилларидир. Хотин-қизлар эса 6 нафар.

Туманда сайловолди кампанияси ишини юритувчи штаб ташкил этилиб, у сайлов участкаларида олиб борилаётган тайёргарлик тадбирларини ўз назоратига олган, шунингдек сайловчилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўймоқда. Барча сайлов участкалари қулай шарт-шароитли биноларда жойлашган, узлуксиз телефон ва факс алоқалари билан таъминланган. Тўғри, олис Оға ва Бекбой овулларида айрим муаммолар мавжуд. Масалан, бу овулларда телефон алоқаси йўқ, шу боисдан вақтинча сайлов кампаниясида радио алоқасидан фойдаланилмоқда.

Депутатликка номзодлар рўйхати эълон қилиниши билан сайловолди мавсумида масъулиятли давр бошланди. Сайлов участкаларида оммавий-тарғибот варақалари ва адабиётларидан ташқари номзодларнинг таржимаи ҳоли суратлари билан берилган варақалар ҳам пайдо бўлди. Сайлов тўғрисидаги қонунда белгиланганидек, сайловгача қолган муддат ичида сайловчиларнинг рўйхатларини чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Деярли ҳар куни, белгиланган режа асосида, сайлов участкалари ва округларида депутатликка номзодлар билан учрашувлар мунтазам ўтказилиб турилибди. Бундай учрашувлар сайловчиларнинг фаол иштирокида тумандаги овулларнинг кенг ва қулай биноларида бўлиб ўтаяпти.

Сайловолди кампаниясига Амударё туманидаги ҳуқуқий органларнинг вакиллари ва социологлар тўла жалб қилинган. Улар сайлов участкаларида навбатчилик қилмоқдалар, аҳолига сайлов тўғрисидаги қонун бўйича зарур маълумотларни бериб, мамлакатимиздаги бешта партиянинг сайловолди дастурлари юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Айниқса, бу йил сайлов қутилари ёнига илк бор келадиган ёш сайловчиларга алоҳида эътибор қилинмоқда. Уларни қизиқтираётган масалалар эса оз эмас. Бу тушунарли, албатта. Чунки улар шу давлатда яшайди ва унинг истиқболини бунёд этадилар.

**Л. ГОРБУНОВА,**
**«Народное слово» газетасининг махсус мухбири.**

## ОЗОД ВА ОБОД КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

**Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисидаги қароридаги тартибга мувофиқ, газетамиз бугундан бошлаб Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг чиқишларини бера бошлайди. Сиз бугун иккинчи саҳифада ушбу сарлавҳа остида Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро ва Жиззах вилоятлари ҳокимларининг чиқишлари билан танишасиз.**

## БАЙРАМЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мамлакатимиз жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеалар — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар арафасида турибди. Шунингдек, Конституция куни, Янги йил байрами ҳам яқинлашиб келмоқда. Шулар билан бир қаторда, декабр ойида халқимизнинг улуғ шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий ва қорақалпоқ мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири Ажиниёз Қўсибой ўғлининг таваллуд тўйлари ҳам нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ана шу байрамлар ва юбилей тадбирларини ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Республика Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарган мазкур йиғилишда жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий аҳамиятга молик ушбу тадбирларни уюшқоқлик билан ва юқори савияда ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Х.Жўраев, “Маҳалла” хайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Раҳимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Т.Атамуротов ва бошқаларнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Йиғилишда тугаётган асрнинг сўнгги йили — 2000 йилни муносиб кутиб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг кўнглини олишга, айниқса, алоҳида эътибор бериш зарурлиги қайд этилди. Янги йилдан мамлакатимиз миқёсида “Болалар санъати фестивали”ни бошлашга келишиб олинди.

**(ЎзА).**

## Босқинчиларнинг йўли тўсилди

Хабар қилинганидек, шу йилнинг 15 ноябрида 15-20 кишидан иборат босқинчилар гуруҳи Янгиобод аҳоли пункти яқинида милиция ходимларига ҳужум қилган эди. Отишмада Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи В.Говорухин, унинг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов ва жиноий-қидирув бўлимининг катта тезкор ходими А.Қорабоевлар ҳалок бўлишди.

Маълум бўлишича, милиция ходимларига қуролли ҳужум уюштиришдан олдин босқинчилар ҳеч қандай сабабсиз уч нафар фуқаро — Чотқол қўриқхонаси табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг ходимларини отиб ўлдирган.

Мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбий идораларнинг махсус бўлинмалари босқинчилар гуруҳининг яширинган аъзоларини излаб топиш, қўлга олиш ва йўқ қилишга доир операцияларни амалга оширмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида гуруҳнинг беш нафар аъзоси йўқ қилинди. Улар орасида Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида 1998 йилнинг декабрида бандитлар гуруҳи таркибида милиция ходимини ўлдирганликда айбланиб, ҳозир қидирилаётган В.Кимнинг шахси аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан Янгиобод аҳоли пункти яқинида содир бўлган воқеалар бўйича жиноий иш қўзғатилди ва қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Қидирув ишлари жараёнида босқинчилар гуруҳининг Ўзбекистонга қўшни давлатларнинг биридан кириб келган бўлиши эҳтимоли тасдиқланмоқда.

Мамлакатимизнинг тегишли ҳарбий кучлари идоралари томонидан воқеа содир бўлган ҳудудда хавфсизликни таъминлаш ва жамоатчилик тартибини сақлаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Маҳаллий аҳоли ушбу тадбирларнинг амалга оширилишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

**(ЎзА).**

## МАЪНАВИЙ БОЙЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ!

## «РОСТ СЎЗНИ АЙТИШДАН ТОЛМАСИН»

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!




ОБУНА-2000

Эрта тонгдан газета варақлаб ўрганган одам — зиёли одам. Ҳатто нонушта қилмасдан аввал газеталарга бир назар ташлашни одат тусига киритган кишилар — огоҳ кишилар. Ҳар куни тонгги газеталарнинг мутолаасига вақт топа олган раҳбар — халқнинг, мамлакатнинг нима билан нафас олаётганидан бохабар, маънавиятли инсон.

Халқимизнинг қувончу ташвишларидан огоҳ этадиган, Ўзбекистонимизнинг нафасини хонадонимизга олиб кирадиган газета — «Халқ сўзи». Гапнинг очиғи, ўтган йили «Халқ сўзи»га обуна бўлолмаган эдим. Лекин ҳар ҳафтада икки марта туман марказига тушганимда газета қидириб овораи сарсон бўлдим. Иложсизликдан, жамоа хўжалигига бориб, ҳафталик сонлари билан танишиб келадиган бўлдим. Насиб бўлса, янги йилдан «Халқ сўзи» доимий хонадонимизга кириб келади. Халқимиз орасида ўқимишли, газета ўқишга муштоқ одамлар кўп. Шу боис маҳалламиз аҳли учун ҳам «Халқ сўзи»га обуна бўлдик. Тўғри, газетанинг аксарият сонлари қўлма-қўл бўлиб ўқилаверганидан титилиб ҳам кетади. Лекин газетанинг ана шундай «титиладиган» сонлари кўпроқ бўлишини истардик.

Янги йилда унинг саҳифаларида «Саодатнома» саҳифасини кўришни истардик. Сабаби, бу саҳифадаги мақолалардан кўпгина ўқитувчилар «Одобнома» дарсларида фойдаланаётган эди.

Истагимиз, «Халқ сўзи» — рост сўзни айтишдан толмасин. Бизнинг маҳалла аҳли газетанинг доимий мухлиси бўлганидан фахрланадилар.

**М. МУҲАММАДАМИНОВ,**
**Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги «Даштмаҳалла» фуқаролар йиғини раиси.**

**КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА, ШОШИЛИНГ!**

**«Халқ сўзи» — 229, «Народное слово» — 116.**

УШБУ СОНДА:

## ЭРКИН ШАХС МАЪНАВИЯТИ

**Эркин фуқаро, озод шахсни тарбиялашнинг биринчи шарти нимада? Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини танимасдан, фаоллашмасдан, сиёсий онги ошмасдан, чинакамига ватанпарвар бўлмасдан туриб фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришини ривожлантириб бўладими?**

**Ана шу каби бугунги кун олдимизга қўйган долзарб саволларга филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг «ЭРКИН ШАХС МАЪНАВИЯТИ» номли мақоласида батафсил жавоб берилган.**

3-бетга қаранг

